



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Нарзиев Шахзодбек Зойирович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти” кафедраси ўқитувчиси,

Саъдуллаев Шахзодбек Ҳамро ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 306-гуруҳ курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11315581>

Аннотация: Ушбу мақолада хуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг асосий йўналишларини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар, хуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимолик профилактика чора-тадбирларининг бугунги кундаги ҳолати ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Калит сўзлар: Хуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика инспектори, хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари, чора-тадбирлар, усул, шакллар.

Ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолияти шу жиҳати билан ўзига хос хусусиятга эгаки, уларнинг асосий вазифаси хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, бу жараёнда энг асосий эътиборни уларни барвақт олдини олишга, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни олдини олишга қаратилиши билан ажралиб туради.

Хусусан, ички ишлар органлари таркибида бўлган профилактика хизматлари ўзига берилган ваколатлари билан ҳам ажралиб туради. Ушбу фарқлар куйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, хуқуқбузарлик содир этган шахслар билан асосий эътибор уларни жазолашга эмас балки, уларни ижтимолий реабилитация ва ижтимоий мослаштиришга қаратиш; иккинчидан, хуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни барвақт бартараф этиш; учинчидан, аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиш; тўртинчидан, фаолиятини ташкил этишда хуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари, хусусан, давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни ташкил этишга қаратиш заруратининг мавжудлиги; бешинчидан, фаолиятнинг тезкор тадбирлардан кўра профилактик аҳамиятга эга бўлган тадбирларни





амалга оширишга қаратилиши; олтинчидан, ҳудудлардаги криминоген вазиятларни мунтазам ўрганиш ва таҳлил қилиб турилиши зарурлиги; еттинчидан, криминоген вазиятлар мураккаблашган ҳудудларга куч ва воситаларни тўғри тақсимланишини тақазо этиши; саккизинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг самарали усуллари қўлланилишини тақазо этиши ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ички ишлар органларининг профилактика хизматлари фаолиятида криминоген вазиятдан келиб чиқиб фаолиятини ташкил этиши муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳам бу жараёнда катта рол ўйнайди, жумладан, криминоген вазият юқори бўлган жойларда куч ва воситаларни кўпайтириш, зарурий профилактик тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш кабилар.

Амалдаги қонунлар ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашни ва уларни бартараф қилиш учун чора-тадбирлар кўришни талаб қилади. Бу эса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда унинг сабаблари билан бир вақтда шароитларини ҳам аниқлашни ва уларни бартараф қилиш, кучсизлантириш учун таъсир қилиш чоралари ишлаб чиқишни вазифа қилиб қўяди. Ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этишга қараганда унинг шароитларига таъсир қилиш билан сабабнинг ҳаракатига тўсқинлик қилиш орқали оқибатнинг, яъни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш осонроқ ва қулайроқдир.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бир-биридан ажратиш жуда ҳам мураккаб бўлиб, фақатгина муайян ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитларини бир-биридан ажратиш, яъни муайян шахснинг жиноий қилмишини қандай омил келтириб чиқарганини ва қайси шароит унинг келиб чиқишига кўмаклашганини ёки келиб чиқишини осонлаштирганини аниқлаш мумкин.

Юқорида даражада, яъни алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг ва умуман ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бир-биридан ажратиш жуда ҳам мураккаб, чунки у ёки бу ҳодиса, воқеа ёхуд жараён айрим ҳолатда сабаб сифатида ҳаракат қилса, бошқа вазиятда эса шароит сифатида намоён бўлади.

Мухтасар айтганда, ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий ҳодиса сифатида бўлишини, унинг алоҳида турлари мавжудлигини, шахсий даражада эса муайян жиноятнинг содир қилинишини тақозо қиладиган (белгилаб берадиган) ҳодиса, воқеа





ва жараёнлар йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин. Ҳуқуқбузарликларнинг шароитлари – шундай ҳодиса ва жараёнларки, улар ўзларича ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқармайди. Лекин, улар ҳуқуқбузарликнинг жамиятда бўлишини тақозо қилувчи, ўсишини таъминловчи сабабларга таъсир қилиш ва кўмаклашиш билан уларнинг юз беришини таъминлайди¹.


Ҳуқуқбузарликларнинг динамикасининг ўзгаришига ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ташкилий-бошқарув ҳамда ҳуқуқий омиллар таъсир кўрсатади. Масалан, аҳолининг демографик таркиби, миграция жараёни, жиноий ва маъмурий соҳадаги қонунчиликка киритилаётган жиноий ёки маъмурий қилмишлар доирасини торайтирувчи ёки кенгайтирувчи ўзгартиш ва қўшимчалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, айбдорларни фош этиш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасидаги самарали фаолияти каби омиллар ҳисобланади.

Мазкур элементлар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмас эканмиз, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмат фаолиятини бошқа хизмат фаолият турларидан фарқлаш қийин бўлади. Шу боисдан, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмат фаолиятини бошқа хизмат фаолият турларидан фарқли томонлари ва алоҳида жиҳатларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шулардан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг профилактика хизматлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: биринчидан, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон беридани шарт-шароитларни аниқлашга; иккинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг ҳолатига қараб зарурий профилактик тадбирларни танлаш ва йўналиштиришга; учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тўғри режалаштирилиши ва профилактик тадбирларни белгиланишига; тўртинчидан, амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижаларини, йўл қўйилган камчиликларни мунтазам таҳлил этиб боришга; бешинчидан, бошқа субъектлар имкониятларидан унумли фойдаланишга.

Ички ишлар органлари профилактика хизматининг асосий йўналишларини белгилаб олиш ушбу фаолиятни самарали ташкил этиш

¹ Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурашулова, И.Ю.Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 104 б.





имконини беради. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширилиши юзасидан турлича талқинлар мавжуд. Масалан: Беларусь ва Қозоғистон Республикаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фақатгина ваколатли субъектлар томонидан амалга оширилади, Қирғизистон Республикасида эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, профилактика хизматлари ИИОнинг бевосита халқ билан ишлайдиган ва аҳоли орасида туриб хизмат олиб борадиган фаолият бўлиб, ўзига хос мураккаблиги билан бирга серқирра функционал табиатга эга эканлиги билан ажралиб туради. Мисол тариқасида, биргина ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари тизимида энг қуйи поғона ҳисобланган таянч пунктларилари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида, профилактика инспекторлари ва таянч пункти ва масканга жалб этиладиган субъектлар зиммасидаги асосий вазифалар кўламини, уларни белгилловчи ва амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилинган ҳолда таянч пунктлари ҳамда маскан фаолиятини қуйидаги йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти;
- маъмурий-процессуал фаолият;
- тезкор-қидирув фаолияти;
- жиноят-процессуал фаолият;
- жиноий жазолар ижросини таъминлаш фаолияти²

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини турлари ва чора-тадбирлари тизими аниқ белгилаб берди.

Профилактика хизматлари фаолияти ўз мазмуни ва кўламига кўра бошқа фаолият йўналишларига нисбатан кенгроқдир. Қолаверса, ҳуқуқ тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётгани ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг аҳамияти

²Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. – 2018. – Б.36





ошишига хизмат қилмоқда. Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг йўналишлари 2 га ажратилади: яъни асосий ва ёрдамчи тоифаларга:

Асосий фаолият йўналишлари – бу қонун ҳужжатларида кўрсатилган кундалик фаолиятда амалга оширадиган вазифалардан келиб чиқиб белгиланадиган йўналиш ҳисобланса, Ёрдамчи фаолият йўналиши – эса юқоридаги вазифа ва функцияларга кўмаклашувчи фаолият тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тоғрисидаги қонун 2014-йил 14-май
2. Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 2016-йил 16-сентябр
3. Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. – 2018. – Б.36
4. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик/ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. – Т. – 2020.–Б. 30.

